

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАТУЛЛАЕВ АЗИЗБЕК ФАХРИДДИН ЎҒЛИ**

**КОНТЕЙНЕРЛИ БЛОК-ПОЕЗДЛАРИДА ЮКЛАРНИ ЕТКАЗИБ  
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Исматуллаев Азизбек Фахриддин ўғли**

Контейнерли блок-поездларида юкларни етказиб бериш  
технологиясини такомиллаштириш..... 3

**Исматуллаев Азизбек Фахриддин угли**

Совершенствование технологии доставки грузов контейнерными  
блок- поездами ..... 21

**Ismatullaev Azizbek Fakhriddin ugli**

Improvement of the technology of cargo delivery by container block trains. 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАТУЛЛАЕВ АЗИЗБЕК ФАХРИДДИН ЎҒЛИ**

**КОНТЕЙНЕРЛИ БЛОК-ПОЕЗДЛАРИДА ЮКЛАРНИ ЕТКАЗИБ  
БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/T1210 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Расулов Маруфджан Халикович**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Арипов Назиржон Мукарамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Жўрабоев Камолжон Абдумўминович**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 12 март соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tstu\\_rektorat@mail.ru](mailto:tstu_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 053 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2022 йил 21 феврал куни тарқатилди.  
(2022 йил 19 февралдаги 041 рақамли реестр баённомаси).



**А.И. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н., доцент

**С.К. Худайберганов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги пайтда ташиш жараёнларида экспорт-импорт юқларини кафолатланган муддатларда етказиб беришга ва бутлиги сақланишини таъминлашга қаратилган контейнерларда ташиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етакчи мавқега эга. Бугунги кунда дунё миқёсида контейнерли юқлар оқимининг ўсиши асосан Европа ва Осиё-Тинч океани ҳудудлари орасидаги товар айланмасига тўғри келиб, бунинг асосий қисми МДХ давлатлари орқали олиб ўтилади. Ўсиб боровчи контейнерли ташишларнинг ҳажмини ўзлаштиришда, темир йўл компанияларига асосий рақобатчи сифатида, суткада 500-700 км маршрут тезлигида автомобиль ташишларини амалга оширувчи компаниялар ҳисобланади. Темир йўл транспортида эса контейнерларни якка ва гуруҳли ташишлар бўйича бу кўрсаткич 450 км ни ташкил этади. Транспорт узеллари ёки йирик станциялар орасида қатнайдиган, суткада 1000 км ва ундан катта маршрут тезлигига эришиш имкониятини берадиган контейнерли поездларнинг улуши эса ташишларнинг умумий ҳажмидан фақатгина 3% ни ташкил этади. Шу жиҳатдан темир йўл фаолиятининг мавжуд ҳолати, шунингдек ишнинг ташкил этилишини ва технологиясини асослаш бўйича илмий ёндашувлар контейнерлардаги юқларни етказиб бериш самарадорлигини ва ўхшаш транспорт турлари билан рақобатлашни тўлиқ таъминлай олмайди. Ушбу муаммо юқларни тезлаштирилган етказиш технологияларини ишлаб чиқишни ҳамда уларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Германия, Австрия, Хитой ва бошқа давлатларда йирик портлар ва терминаллар орасида контейнерли блок-поездлар ҳаракатини ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Дунёда транспорт оқимининг тезлаштирилган ҳаракатланишини ташкил этиш учун контейнер поездларининг технологиясини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек ушбу йўналишда, мижозлар томонидан вагон-жой банд этишига мувофиқ вагонларда ва гуруҳли жўнатмаларнинг технологиясини яратиш, контейнер поездларининг оптимал узунлигини ва оғирлигини аниқлаш бўйича математик моделларни ишлаб чиқиш, шунингдек транспорт-логистик терминаллар орасида контейнер поездларининг ҳаракатини ташкил этишда ахборот технологияларини қўллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, йирик транспорт узелларининг контейнер терминаллари орасидаги контейнер поездларининг қатнаши орқали юқларни етказиб бериш технологиясини яратиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда транспорт хизмати даражасини оширишга қаратилган, шунингдек юқларни етказиб бериш муддатини

минималлаштириш учун янги технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича бир қатор йирик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида “... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётнинг энергия сифими ва ресурс сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни жалб этиш, ... йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, ... бошқариш тизимларига, ижтимоий соҳаларга, иқтисодга ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш...” каби масалалар кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Ушбу масалаларни амалга ошириш, шунингдек контейнерларда юкларни етказиб бериш технологиясини такомиллаштириш, темир йўл транспорти фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сон Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги 305-сон “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши: VI. “Технологик жараёнларни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Контейнер оқимини бошқариш ва ташиш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунё олийгоҳларида, етакчи илмий марказларда ва машхур чет эл фирмаларида амалга оширилмоқда, жумладан: Logistics and Transport Chair (Франция), School of Traffic and Transportation Engineering (Хитой), College of Transportation Engineering (Хитой), Friedrich-Schiller-Universitat Jena (Германия), Department of Mechanical Engineering (Ҳиндистон), Delft University of Technology (Голландия), American University (АҚШ), University of Nottingham (Буюк Британия), Transport Research Institute (Литва), Петербург давлат темир йўл университети

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

(Россия Федерацияси), Россия транспорт университети (Россия Федерацияси) ва Тошкент давлат транспорт университетида олиб борилмоқда.

Тезлаштирилган контейнерли ташишларни, шу жумладан темир йўл транспортида ҳам ривожлантириш назариясининг масалалари, мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан кўриб чиқилган: О.Б. Маликов, Г.М. Грошев, Н.В. Климова, О.В. Москвичев, Б.А. Наумов ва I. Hansenлар томонидан саралаш станцияларини четлаб ўтиб контейнерли поездларда юкларни етказиб беришни оптимал ташкил этиш бўйича муаммолар ва уларни ечиш йўллари тадқиқ этилган.

Темир йўл транспортида контейнер оқимини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш бўйича масалалар А.А. Абрамов, В.Л. Белозёров, И.М. Басиров, Н.Н. Пашков, В.В. Жаков, N. Bostel, N. Boysen томонидан кўриб чиқилган. А.Н. Рахмангулов, С.Б. Левин ва А. Vasiliauskas ишларида транспорт-юк тизимини имитацияли моделлаштириш масалалари ўз аксини топган.

Ўзбекистонда поездлар ҳаракатини ташкил этишда, юк оқимларини самарали режалаштириш ва бошқаришда, интермодал юкларни қайта ишлашда транспорт-омбор харажатларини оптималлаштиришда, шунингдек махсус контейнер терминалини лойиҳалашни оптималлаштиришда мамлакатимиз олимлари К.Т. Худойбергганов, Э.Т. Туйчиев, Н.Н. Ибрагимов, М.Х. Расулов, С.К. Худойбергганов, О.С. Турдиматов, Ж.Р. Қобулов, Д.И. Илесалиев, Ш.Р. Абдувахитовлар турли йилларда техник-технологик ечимлари билан шуғулланганлар.

Аввал олиб борилган кенг кўламли тадқиқотларда контейнер юкларини ташишни ташкил этиш технологиясини оптималлаштириш масалалари, контейнер блок-поездини ва контейнер терминалини техник ва технологик параметрларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олмаган ҳолда кўриб чиқилган. Шу сабабли, таянч темир йўл станцияларида контейнер терминалларини ташкил этишда, тизимли ёндошувни қўллаган ҳолда контейнер блок-поездларини шакллантиришда контейнер терминалининг параметрларини оптималлаштиришда илмий-асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига киритилган ЁБВ-Атех-2018-221-сон «Универсал контейнерларда дон юкларини ташишнинг инновацион технологияси» (2018-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** юк оқимларининг тезлаштирилган ҳаракатланишини таъминлайдиган, контейнерли блок-поездларда юкларни етказиб бериш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

юкларни етказиб беришнинг самарали ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида контейнерли ташишларнинг замонавий ҳолатини тадқиқ этиш;

Исикава диаграммасини қўллаган ҳолда, контейнерли блок-поездларни ташкил этишга таъсир кўрсатадиган асосий омилларни аниқлаш;

оптимал параметрли контейнер терминалини ривожлантириш учун махсус таянч темир йўл станциясини жойлаштиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

технологиянинг самарадорлигини пасайишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек контейнерли блок-поездларнинг ва контейнер терминалларининг асосий параметрларини оптималлаштириш;

технологик операцияларнинг занжирида унумдор бўлмаган тўхтаб туришларни камайтириш мақсадида, контейнер терминалларига фитингли вагонларни узатишнинг бир маромдалигини таъминлаш бўйича илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида контейнерли блок-поездларни шакллантирадиган ва қайта ишлайдиган контейнер терминаллари олинган.

**Тадқиқот предмети** юкларни белгиланган муддатларда кафолатланган етказиб беришни таъминлайдиган, контейнер блок-поездларида ташишларнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда транспорт тизими алоҳида элементларидаги вазиятлар мониторингининг замонавий усуллари, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика усуллари, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, динамик дастурлаш, захираларни бошқариш, омборлаштириш тизими ва транспорт логистикаси назариялари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жуфтли корреляция усули ёрдамида параметрларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш асосида транспорт хизматининг сифатига таъсири бўйича тақсимлаш учун контейнер блок-поезди ва контейнер терминалининг омиллари ва параметрлари ажратиб олинди ва асосланди;

динамик дастурлаш усулини қўллаш асосида контейнер терминалини ривожлантириш учун узелдаги таянч темир йўл станциясини танлашнинг математик модели ишлаб чиқилди;

“йўналтирилган танлов” усулини қўллаш асосида етказиб бериш логистик занжирининг оптимал иш тартибини излаш учун контейнер блок-поезди ва контейнер терминалининг асосий параметрлари оптималлаштирилди;

захираларни бошқариш назариясини қўллаш асосида техник воситаларнинг унумдор бўлмаган тўхтаб туришларини минималлаштириш



учун контейнер терминалларга фитингли вагонларни узатишнинг бир маромдалигини ва келишилганлигини таъминлаш бўйича илмий ёндашув ишлаб чиқилди;

*AnyLogic* дастурий таъминотини қўллаш асосида лойиҳалаш жараёнида «тор» жойларни башоратлаш учун контейнер терминали ишининг имитацион модели ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

контейнер терминалини рационал жойлаштириш асосида технологияси самарадор таянч темир йўл станциясини танлаш учун дастурий маҳсулот ва алгоритм кўринишида бўлган инструментал восита ишлаб чиқилди;

технологик операциялар занжирида унумдор бўлмаган тўхтаб туришларни қисқартириш асосида белгиланган муддатларда юкларни етказиб бериш учун контейнерли блок-поездларда юкларни етказиб бериш технологияси такомиллаштирилди;

захираларни бошқариш назарияси усулини қўллаш асосида контейнер майдони сифимининг оширилишини таъминлаш учун терминалларда контейнерларни йиғиш жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** блок-поездларни ташкил этишда контейнер терминалининг ишлаши бўйича ишлаб чиқилган математик моделнинг аниқлиги, олинган назарий натижаларнинг ва асл кузатувлар маълумотларининг юқори даражада мослиги, шунингдек логистик харажатларни минималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган имитацияли моделнинг темир йўл транспортининг амалий фаолиятида апробацияси билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юк оқимларини кафолатланган юқори маршрут тезликларида блок-поездларда контейнер ташишларни ташкил этишни таъминлашга имконият берадиган контейнер терминаллари ишини ташкил этиш модели ва алгоритми асосида фойдаланиш фаолиятидаги технологик жараёнларни такомиллаштириш механизми тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти логистик харажатларни камайтириш имкониятини берувчи, контейнер терминалининг оптимал жойлашуви ва фаолият тартибини излашнинг инструментал воситасини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадларда контейнер терминалига фитингли вагонларни бир маромда ва келишилган ҳолда узатилишини таъминлайдиган автоматлаштирилган тизим яратилди, *AnyLogic* дастурида контейнер терминалининг имитацион модели таклиф этилди, контейнер терминали параметрларининг оптимал қийматларини излаш ва белгилаш алгоритми яратилди. Уларни жорий этиш логистик харажатларни камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Контейнерли блок-поездларда юкларни етказиб бериш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

контейнер терминалининг ривожланиши учун узелдаги таянч темир йўл станциясини излаш, шунингдек “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг контейнер терминаларида контейнерларнинг йиғилиш жараёнларини батафсил таҳлил этиш усуллари (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 10 декабрдаги 01/4254-21-сон маълумотномаси) ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар натижаларининг жорий этилиши туфайли контейнер терминалининг барпо этилиши учун узелдаги таянч темир йўл станцияси аниқланди, логистик харажатларни 10 % га қисқартиришга эришилган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖдаги контейнер терминаларининг оптимал иш тартибини излаш инструментал воситаси ва усули (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 10 декабрдаги 01/4254-21-сон маълумотномаси) яратилди. Натижада вагонларнинг унумдор бўлмаган тўхтаб туришларининг қисқартирилишига эришилди, ортиш-тушириш машиналарнинг иш унумдорлиги ҳамда терминалнинг қайта ишлаш қобилияти 1,1-1,15 баробар ўсган;

контейнер терминаларидаги контейнерларнинг йиғилиш жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖда амалга оширилди (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 10 декабрдаги 01/4254-21-сон маълумотномаси). Контейнер майдонининг сифими 10% га оширилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда тақдим этилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шундан 5 та мақола хорижий журналларда, 1 та мақола маҳаллий илмий журналда чоп қилинган. Шунингдек, 1 та ЭҲМ дастурига гувоҳнома мавжуд.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бет.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, ишнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий


натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, шунингдек нашр этилган илмий ишлар бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи «**Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш масалаларининг ҳолати**» номли бобида темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш технологиясини ривожланиш муаммолари ва тенденциялари баён қилинди. Контейнерли блок-поездларни ташкил этиш соҳасида мавжуд илмий ёндашувларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Контейнерли блок-поездларни ташкил этиш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти тадқиқ этилган.

Темир йўл транспортида юкларни ташиш умумий ҳажмидан жами 5% ни контейнерли ташишлар ташкил этади. Контейнерларни ташиш жадал суръатларда ўсиш вақтида, контейнерли ташишлар соҳасида Ўзбекистоннинг потенциали тўлалигича амалга оширилмаган (1, 2-расм).



**1-расм. Контейнер блок-поездларини жўнатувчи станцияларнинг ишини кўрсатувчи Парето диаграммаси**



**2-расм. Контейнер блок-поездлари тайинланган станцияларнинг ишини кўрсатувчи Парето диаграммаси**

Тадқиқотлар натижасида *SWOT*-таҳлил амалга оширилди, сўнгра поезднинг турига боғлиқ ҳолда контейнерли поездларни таснифлаш имконияти пайдо бўлди (1-жадвал).

**1-жадвал. Контейнерли поездларнинг таснифланиши**

Контейнер поездининг номланиши	Параметрлари	Тури
Йиғма контейнер поезда	Суткада 500 км гача бўлган тезликда темир йўл станциялари орасида контейнерларни ташиш	Йиғма ёки йиғма-участка
Маршрут контейнер поезда	Суткада 500 км дан юқори бўлган тезликда темир йўл станциялари орасида контейнерларни ташиш	Тўғри поғонасимон ёки жўнатувчи маршрут
Тезлаштирилган контейнер поезда	Суткада 1000 км дан юқори бўлган тезликда йирик ва қуруқлик портлари орасида транзит йўналишларда контейнерларни ташиш	Блок-поезд

Тадқиқотлар асосида блок-поездларни ташкил этишда номақбул ҳодисаларнинг сабаблари белгиланди, муаммоларнинг сабаб-оқибатли таҳлили ишлаб чиқилди (3-расм). Техник-технологик, транспорт услуги ва контейнер терминали каби таъсир этувчи сабаблар ва умумлаштирилган тоифалар тизимлаштирилди.




3-расм. Контейнерли блок-поездларни ташкил этишда муаммоларнинг сабаб-оқибатли таҳлили

Контейнерли блок-поездларни ташкил этишда муаммоларнинг сабаб-оқибатли таҳлили, тажриба йўли билан текшириш зарурати бўлган эҳтимолий сабабларга нисбатан келишувларни ўрнатиш имкониятини берди.

Диссертациянинг **“Контейнерли блок-поездларни ташкил этишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида блок-поездларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар орасида алоқаларнинг танланиши ва ўрнатилиши асосланган. Махсуслаштирилган таянч темир йўл станцияларини излаш ва аниқлашнинг математик модели ишлаб чиқилган. Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳудудида контейнер терминалини жойлаштириш схемаси асосланган.

Иккита асосий таркибий қисм: “ташувчи” ва “терминал” асосида контейнерли блок-поездларини ташкил этишга таъсир этувчи омилларни ўрнатиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. “Ташувчи” омили таянч темир йўл станциялари бўйлаб юк оқимининг ҳаракатланишига таъсир

этиши, “терминал” омили эса етказиб бериш занжирининг талаб этилган параметрларига боғлиқ ҳолда контейнерли блок-поездларини шакллантирилиши белгиланди (4-расм).



4-расм. Контейнерли блок-поездларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар

Поездни ва контейнер терминалининг бошланғич ва кейинги параметрлари ўзаро турлилиги билан фарқланади. Шу сабабли жуфт корреляция асосида омилларнинг орасида ўзаро боғлиқлиги тадқиқ этилди (2-жадвал).

2-жадвал. Омилларнинг орасида ўзаро боғлиқлиги

Параметрларнинг боғлиқлиги	Поезд узунлиги, ваг.	Поезд оғирлиги, минг. т.	Поезд сўғими, конт.	Автомобил юк фронти узунлиги, м.	Темир йўл юк фронти узунлиги, м.	Терминал сўғими, конт.
Поезд узунлиги, ваг.	-	0,514	0,548	0,578	0,712	0,712
Поезд оғирлиги, минг. т.	-	-	0,624	0,611	0,587	0,587
Поезд сўғими, конт.	-	-	-	0,608	0,534	0,534
Темир йўл юк фронти узунлиги, м	-	-	-	-	0,512	0,512
Автомобиль юк фронти узунлиги, м	-	-	-	-	-	0,611
Терминал сўғими, конт.						-

Блок-поездлар ва контейнер терминаллари параметрларининг ўзаро боғлиқлиги тадқиқоти Чеддок шкаласи бўйича бир мунча юқори корреляцион алоқадорлигини кўрсатди. Параметрлар орасида тиғиз алоқадорликнинг йўқлиги, блок-поездларни ташкил этишга кўп сонли омиллар таъсир этиш ҳолатини тасдиқлади. Блок-поезд ва терминалнинг юк fronti узунлиги орасида ўзаро боғлиқлиги 0,712 га тенг бўлган юқори корреляцияни кўрсатди. Бу эса контейнерли блок-поездларнинг технологияси терминалдан терминалгача ўз вақтида етказиб беришларни таъминлаши билан изоҳланади. Шу сабабли терминалнинг юк фронтига блок-поездларнинг тўлиқ таркибларини ёки энг камида ярмини қабул қилиш имкониятига эга бўлган терминаллар тармоғи зарурдир.

Транспорт узелида жойлашган контейнер терминали юк оқимларини йиғиш, тарқатиш, узел ичида ва узелдан чиқишида бошқаришни тартибга солиш учун мўлжалланган.

Минтақавий темир йўл узелида контейнер терминалини энг мақбул жойлаштиришни танлаш вазифаси шундан иборатки, топилган  $x_{ij}$  ва  $x_{jk}$  лар контейнерларни ташиш ва қайта ишлашга бўлган логистик харажатларни қуйидаги шартларда минималлаштириш керак:

$$R = \sum_j \sum_k x_{jk} C_{jk} + \sum_i \sum_j x_{ij} C_{ij} \rightarrow \min, \quad (1)$$

$$(x_{ij}, x_j, x_{jk}) \geq 0; \quad (2)$$

$$\sum_j x_{ij} = N_j; \quad (3)$$

$$\sum_j x_{jk} = q_k; \quad (4)$$


$$x_j = \sum x_{ij}. \quad (5)$$

(2) шарт келадиган барча контейнерларнинг ҳажмини контейнер терминаллари ва махсус омборлар бўйича тақсимланишини билдиради. (3) шарт юк олувчиларнинг контейнерларга бўлган эҳтиёжни қониқтиришини талаб этади. Терминалларда контейнер қайта ишлашнинг ҳажмини тенглик кўрсатади.

Ўзбекистон шароитида экспортга нисбатан импорт бир мунча кўп бўлганлиги учун контейнер терминаллари асосан юк тушириш учун мўлжалланган. Шу сабабли, терминал автомобиль транспортидан контейнер оқимини жамлаган ҳолда, кўп сонли параметрларга айлантиради ва кейинги контейнер терминалигача контейнерли блок-поездларда жўнатади.

5-расмда узелнинг темир йўл станциялари бўйича контейнер оқимининг тақсимланиш схемаси келтирилган.


(1) шарт бўйича таянч темир йўл станциясининг танланиши асосланган. Ҳисоблар контейнер терминали Жалоир станциясида жойлаштирилганда, контейнерларни ташиш ва қайта ишлашдаги логистик харажатлари минимал бўлишини кўрсатди.




5-расм. Узелнинг темир йўл станциялари бўйича контейнер оқимининг тақсимланиш схемаси

“Контейнер терминалининг оптимал иш тартибини белгилаш” номли учинчи бобда автомобиль транспортида терминалларга контейнерларнинг келиш тизими математик баён этилган. Терминалда контейнерларни қайта ишлашда ортиш-тушириш машиналарига хизмат кўрсатиш тавсифи белгиланди ва ўзига хосликлари тадқиқ этилди. Статистик маълумотларни қайта ишлаш натижасида, терминалга автомобил транспортида контейнерларнинг келиш қонунияти Пуассон қонунига бўйсунishi белгиланди (6-расм), контейнерларга хизмат кўрсатиш давомийлиги эса намунали тақсимланишга эга (7-расм).


Контейнер терминали кўрсаткичларининг асосий қийматлари белгиланди. Шундан сўнг кўрсаткичларнинг рационал қийматларини излаш ёки яхшилаш мақсадида “йўналтирилган танлов” усулини қўллаган ҳолда, контейнер блок-поездларини ташкил этишда контейнер терминалининг оптимал иш тартибини излашнинг математик модели ва алгоритми ишлаб чиқилди.



6-расм.  $\lambda=96$  конт/сут. да Пуассон тақсимлаш зичлигининг гипотетик эгри чизиғи ва гистограммаси.



7-расм.  $\tau=357$  дақ.да намунали тақсимлаш зичлигининг гипотетик эгри чизиғи ва гистограммаси



8-расм. Контейнер терминалининг оптимал иш тартибини излаш алгоритми

Контейнерли блок-поездларига хизмат кўрсатишда контейнер терминалининг параметрларини оптималлаштириш масаласини қуйидаги кўринишда шакллантириш мумкин: блок-поездга хизмат кўрсатиш тизимининг тури  $\tau$  га ва берилган тавсифда кирувчи оқимнинг талаби  $\lambda$  учун ўзгарувчи  $x, m, z, T$  параметрларнинг шундай қийматларини топиш керакки, бунда оптималлаштириш мезонлари минимумга олиб келсин:

$$R^* = f(x, m, z, T) \rightarrow \min, \quad (6)$$



чеклашлар:

$$x_{\min} \leq x \leq \frac{N_{\text{сум}}}{\eta \cdot m};$$

$$\frac{N_{\text{сум}} \cdot t_{\text{цикл}}}{60 \cdot T} \leq z \leq z_{\max}; \quad (7)$$


$$m_{\min} \leq m \leq \frac{L_{\text{жод}}}{l_{\text{в}}};$$

$$\frac{N_{\text{пер}}}{z \cdot N_{\text{час}}} \leq T \leq 24.$$


Блок-поездларга хизмат кўрсатишда контейнер терминалининг блок-поездларни ташкил этилишига таъсир этувчи асосий параметрлари белгиланди. Буларга фитинг вагонларини ортиш-тушириш йўлларига узатишлар сони  $x$ , узатмадаги вагонлар сони  $m$ , блок-поездга хизмат кўрсатувчи кўтарма-транспорт машиналари сони  $z$  ва контейнер терминалининг иш вақти  $T$  киради.

(6) ифода бўйича контейнерли блок-поездни шакллантиришда контейнер терминалининг оптимал иш тартибини излаш алгоритми (8-расм) ишлаб чиқилган.

Ортиш-тушириш машиналарнинг тури ва сонига боғлиқ ҳолда, битта контейнерни қайта ишлаш учун контейнер терминалининг логистик харажатлар ҳисобларининг натижалари 9, 10-расмда келтирилган.



9-расм. Чорпояли кранларни қўллашда контейнер терминалининг логистик харажатларининг боғлиқлиги



10-расм. Ричстакерларни қўллашда контейнер терминалининг логистик харажатларининг боғлиқлиги

Иккита чорпояли кранлардан фойдаланилганда, контейнер терминалининг битта контейнерни қайта ишлашга сарфланадиган логистик харажатлари энг кичик қийматларга эга бўлиши 9-расмдан кўриниб турибди.


Мос кўрсаткичларни қўйган ҳолда моделлаштириш натижалари олинди (3-жадвал).

**3-жадвал. Контейнер терминалининг оптимал иш тартибини излашни моделлаштириш натижалари (жадвал фрагменти)**

Чор пояли кран билан жихозланган контейнер терминали учун	Ричстакер билан жихозланган контейнер терминали учун
$R(x=1; m=57; z=1; T=8) = 1197,71$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=1; T=8) = 1553,34$ минг сўм
$R(x=1; m=57; z=2; T=8) = 1120,69$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=2; T=8) = 1406,33$ минг сўм
$R(x=1; m=57; z=3; T=8) = 1125,44$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=3; T=8) = 1321,07$ минг сўм
$R(x=1; m=57; z=4; T=8) = 1150,62$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=4; T=8) = 1335,26$ минг сўм
$R(x=1; m=57; z=5; T=8) = 1175,81$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=5; T=8) = 1371,44$ минг сўм
$R(x=1; m=57; z=6; T=8) = 1200,99$ минг сўм	$R(x=1; m=57; z=6; T=8) = 1411,63$ минг сўм

Тўртинчи “Блок-поездларни ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш” бобида терминалда контейнерларни тўплаш жараёнининг ўзига хосликлари акс эттирилган. Захираларни бошқариш назариясини қўллаган ҳолда, контейнер терминалига фитингли платформаларни узатишнинг бир маромдалигини ва келишилганлигини таъминлаш бўйича илмий ёндашув ишлаб чиқилган. Контейнер терминалининг оптимал иш тартибини белгилайдиган натижаларнинг ишочлилигини текширилиши бажарилди. Контейнерли блок-поездларни ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш амалга оширилди.

Контейнер терминалининг барқарор ишлаши учун блок-поездларда аввалдан контейнер-жойни банд қилишнинг ташкил этилиши, шунингдек контейнердаги юкнинг етиб келиш аниқ вақти тўғрисида олувчиларга маълумотларнинг етказилиши тавсия этилган. Контейнер-жойларнинг аввалдан банд этилиши, терминалга контейнерларнинг келиш орасидаги вақт оралиғининг бир маромдалигини таъминлайди. Контейнерларни тўплашнинг таклиф этилган жараёни блок-поездларни жадвал бўйича шакллантириш, шунингдек блок-поездларни жўнатишнинг келишуви бўйича тузиш учун шарт-шароитлар яратади (11-расм).



**11-расм. Блок-поезда жўнатиладиган контейнерларнинг терминалда туриш контейнер-соатларининг ўзгариш графиги**

Контейнер терминалининг танқиссизлик вақтида оптимал ишлаши нуктаи назаридан, қўлланиладиган тизимнинг аҳамияти катта эмас. Аммо, контейнерларни аниқ вақтга олиб келиш ҳолатида юк жўнатувчиларга чегирмалар таклиф этилиши сабабли, келиш орасидаги вақти белгиланган тизимни қўллаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Контейнер жўнатувчилар томонидан аввалдан тўланган блок-поездлардаги контейнер-жойлари маълум бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқилган тавсияларда вагон оқимини мураккаб тартибга солиш зарурияти мустасно этилади.

Контейнер терминаллари лойиҳалаш жараёнида “тор” жойларни башоратлашга имконият берувчи контейнер терминалининг ишлаш тартибини имитация модели ишлаб чиқилган.

*AnyLogic* дастурида контейнер терминалининг оптимал иш тартибини белгилайдиган натижаларнинг ишончлилигини текшириш учун қуйидаги тартибдаги имитация моделлари тузилди ва тадқиқ этилди:

- транспорт турининг устуворлигисиз;
- нисбатан автотранспортнинг устуворлиги билан;
- нисбатан фитингли вагонларнинг устуворлиги билан;
- мутлақ автотранспортнинг устуворлиги билан;
- мутлақ фитингли вагонларнинг устуворлиги билан;
- ортиш-тушириш машиналар ишининг узилишлари билан.

Имитацияли моделлаштириш натижаларнинг тадқиқоти, транспорт воситаларнинг хизмат кўрсатишни кутишнинг ўртача вақти бир мунча камайганлиги сабабли, мутлақ устуворликни автотранспортга тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

## ХУЛОСА

“Контейнерли блок-поездларида юкларни етказиб бериш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш технологияси ривожланишининг замонавий муаммолари ва тамойиллари тадқиқ этилди. Бунга кўра, 80% дан кўп бўлган контейнерли ташишлар суткада 450 км дан кам маршрут тезлик билан юк поездларининг таркибида амалга оширилади. Блок-поездларни ташкил этишда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ва *4PL* операторларнинг потенциали асосланди.

2. Операторларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятдан, контейнерли блок-поездларни ташкил этишдаги муаммоларини “сабаб-оқибатли” таҳлилининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда, поезднинг тури ва шаклига мувофиқ контейнер поездининг таснифланиши ишлаб чиқилди; контейнерли блок-поездларни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар

асосланди; контейнер терминали юк фронтинг узунлиги ва блок-поезднинг узунлиги параметрларининг орасида жуфт корреляция коэффициенти қийматлари белгиланди.

3. Контейнер терминалини ривожлантириш учун узелдаги таянч темир йўл станциясини танлашнинг математик модели ишлаб чиқилди ва уни ечиш учун динамик дастурлаш усули таклиф этилди. Ёпик тизимдаги транспорт модели яратилди ва тўлиқ таркибдаги контейнерли блок-поездларни қабул қилиш ва жўнатишни таъминлайдиган таянч темир йўл станциясини танлаш бўйича ҳисобларнинг ишончлилиги асосланди.

4. Тақсимлашнинг ўрнатилган қонунияти, шунингдек контейнерларга хизмат кўрсатиш вақти ва уларнинг тизимга келиш сонининг математик кутилиши асосида контейнер терминалининг оптимал иш тартибини излашнинг математик модели ишлаб чиқилди.

5. Захираларни бошқариш назариясини қўллаш ёрдамида, темир йўл станцияларнинг ва контейнер терминал ишининг уйғунлигини таъминлайдиган, контейнер терминалларига фитингли вагонларни беришнинг бир маромдалиги ва келишилганлиги бўйича илмий ёндашув ишлаб чиқилди.

6. Ишлаб чиқилган усуллар, моделлар ва дастурий маҳсулот кўринишидаги инструментал воситалар контейнерли блок-поездларда юкларни етказиб бериш технологиясини такомиллаштириш имкониятини берди. Бунда иқтисодий самарадорлик 346,9 млн. сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПО РИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСМАТУЛЛАЕВ АЗИЗБЕК ФАХРИДДИН УГЛИ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ДОСТАВКИ ГРУЗОВ  
КОНТЕЙНЕРНЫМИ БЛОК-ПОЕЗДАМИ**

**05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/T1210.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tstu.uz](http://www.tstu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Расулов Маруфджан Халикович**  
кандидат технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Арипов Назиржон Мукарамович**  
доктор технических наук, профессор

**Журабоев Камолжон Абдумунинович**  
кандидат технических наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентский университет  
информационных технологий имени  
Мухаммада аль-Хорезми**

Защита диссертации состоится 12 марта 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tstu\\_rektorat@mail.ru](mailto:tstu_rektorat@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 053). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан 21 февраля 2022 года.  
(протокол рассылки № 041 от 19 февраля 2022 года).



**А.И. Адилходжаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

**С.К. Худайбергенов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, к.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом масштабе в настоящее время ведущие позиции занимают исследования, направленные на совершенствование технологии контейнерных перевозок, обеспечение доставки грузов в гарантированные сроки и в полной сохранности в процессе перевозок экспортно-импортных грузов. В настоящее время в мире основной рост потока контейнерных грузов приходится на товарооборот между Европой и азиатско-тихоокеанским регионом, причём основная доля проходит через страны СНГ. В освоении растущих объемов контейнерных перевозок основную конкуренцию железнодорожным компаниям составляют компании, осуществляющие автомобильные перевозки с маршрутной скоростью 500-700 км в сутки, когда железнодорожный транспорт предоставляет услуги по одиночным и групповым перевозкам контейнеров с маршрутной скоростью до 450 км в сутки. Доля контейнерных поездов, курсирующих между транспортными узлами или крупными станциями, позволяющих достичь маршрутную скорость до 1000 км и более в сутки, составляет всего 3% от общего объема перевозок. С этой точки зрения существующее состояние деятельности железных дорог, а также научные подходы по обоснованию технологии и организации работы не в полной мере могут обеспечить эффективность доставки грузов в контейнерах и конкурировать со смежными видами транспорта. Эта проблема настоятельно требует разработки и внедрения в практику технологий по ускоренной доставке грузов. В таких странах как Германия, Австрия, Китай и др. приобретает все более важное значение разработка технологии организации движения контейнерных блок-поездов между крупными портами и тыловыми терминалами.

В мире ведутся научные исследования по внедрению технологии контейнерных поездов для организации ускоренного продвижения транспортных потоков. В этом направлении также считаются основными задачами создание технологии повагонных и групповых отправок в соответствии с бронированием клиентами вагоно-мест, разработка математических моделей по определению оптимальной длины и веса контейнерных поездов, а также использование информационных технологий в организации движения контейнерных поездов между транспортно-логистическими терминалами. Вместе с тем, основной задачей является создание технологии доставки грузов, при которой контейнерные поезда курсируют между контейнерными терминалами крупных транспортных узлов.

В Узбекистане реализуется ряд масштабных мероприятий, направленных на повышение уровня транспортного обслуживания, в том числе, по разработке и внедрению новых видов технологии для

минимизации срока доставки грузов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указаны такие задачи, как, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое привлечение в производство энергосберегающих технологий, ...дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, ...внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления...»<sup>2</sup>. Реализация этих задач, в том числе, совершенствование технологии доставки грузов в контейнерах, является одной из важнейших направлений деятельности железнодорожного транспорта.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5647 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере транспорта» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №305 от 12 апреля 2019 года «О мерах по организации деятельности Центра изучения проблем развития транспорта и логистики при Министерстве транспорта Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данному виду деятельности.

